УзССР давлат ... Инв. № 2 1297 Давлат ... палата УзССР

МАРКАЗ ТАНЛОВИ

Яқинда Тошкентдаги Ҳиндистон Маданий марказида таниқли аллома Жавоҳарлаъл Нерунинг таваллуд кунига бағишланган тасвирий санъат танлови бўлиб ўтди.

Танловда Тошкентдаги ҳинд ва урду тилларига ихтисослашган лицей ўқувчилари иштирок этишди. Голиблар турли қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланди.

Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА.

ЙИЛ ОЙ КУН

"ИНТЕРМЕБЕЛЬ"НИНГ МИЖОЗЛАРИ ҚЎЛАЙМОҚДА

Ромитан туманида фаолият кўрсатаётган "Интермебель" хусусий корхонасининг мижозлари кун сайин кўпаймоқда. Сабаби, бу ерда ишлаб чиқарилаётган ўриндиқ, кийим-кечак жавонлари жуда ҳаридоргирдир. 21 киши меҳнат қилаётган бу жамоа ҳозиргача 1 миллион 550 минг сўмлик бозори чаққон мебеллар ишлаб чиқариб, буюртмачиларни хурсанд қилди.

— Биз, — дейди корхона раҳбари Жўра Қаҳҳоров, — бозор талаби асосида меҳнат қилиб, маҳсулот турини 10 тага етказиш ниятидамиз.

Даврон БАҲРОНОВ.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

13 ЁШЛИ МУСАВВИР

Қўшработ туманининг Бойтўп қишлоғидаги 68-мактабда таҳсил олаётган 6-синф ўқувчиси Даврон Бегимқуловга Японядан хушхабар келди. У бутун дунё болалар суратлари кўргазмасида иштирок этиб, кумуш медаль билан тақдирланди. Даврон Канагава шаҳрида анъанавий равишда уюштириладиган кўргазмага ўзининг "Бозор" деб аталган расмини юборган эди. Мутахассислар ёш мусаввирнинг ижодини юксак баҳоладилар.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ.

ЙИЛ ОЙ КУН

ЧОЙХОНАЧИНИНГ ХИММАТИ

Қарши шаҳридаги "Мансурота" чойхонаси соҳиби Тўра Мансуров фарзандлари ва ака-укалари билан ҳамжиҳат савобли ишларга қўл урмоқда. Яқинда "Нуристон" маҳалласида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларнинг беш нафар ҳамда кар-соқовлар интернати беш нафар тарбияланувчисининг суннат тўйини ўтказиб берди. Болаларга 500 сўмдан омонат дафтарчаси расмийлаштирилгани ҳам маълум қилинди.

Илҳом КАРОМОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 22 ноябрь, шанба № 137 (22.220).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 ноябрь куни АҚШ конгресси вакиллар палатасининг ташкилий-процессуал қўмитаси раиси Жералд Соломон раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари америкалик конгресменларни Ўзбекистонга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар парламентлар даражасида ҳам жадал ривож топаётганидан мамнуният изҳор этди.

— Сизнинг Ўзбекистонга ташрифингизни, — деди Президент, — АҚШ конгрессида юртимизга ва Марказий Осиёга бўлган қизиқишнинг белгиси деб қараймиз. Мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, сўнгги вақтларда мамлакатимизга келаётган АҚШ конгресси делегациялари сони сезиларли даражада кўпайди.

Ж. Соломон АҚШ конгресси Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича илгари сурган таклифларини, хусусан, у ердаги ихтилофчи гуруҳлар ва манфаатдор мамлакатлар вакилларидан иборат мулоқот гуруҳи тузиш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлашини айтди, самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларни ривожлантириш ҳамда минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

ВАТАН ХАРИТАСИ

Мамлакатимизда муваффақиятли давом этаётган Украина маданияти кунлари иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, турли вилоятларга ташриф буюришди. Чунончи, Қашқадарё, Навоий, Андижон, Наманган, Жиззах, Хоразм ва пойтахт вилоятларида меҳмонлар илиқ кутиб олинди ва вилоятларнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Украин миллатига мансуб ватандошлар билан ҳаяжонли учрашувлар бўлиб ўтди. Санъаткорлар ижросида катта концертлар намойиш қилинди.

* * *

Вазирлар Маҳкамасида республика халқ хўжалиги тармоқларининг қиш шароитида ишлашга тайёргарлигига бағишланган кенгаш бўлди. Унда баъзи шаҳар ва туманларда куз-қиш даврида ишлаш учун яхши шароитни таъминлайдиган тегишли чоралар кўрилмагани таъкидланди.

* * *

Тошкент Давлат техника университетида давом этаётган «Экология таълими ва саноатда атроф-муҳит муаммолари»га бағишланган халқаро илмий-техникавий конференцияда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Украина, АҚШ, Чехия, Швейцария ва ЮНЕСКО вакиллари ҳамда олимларнинг маърузалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

* * *

«Тасвирий ойина» Республика ижодий уюшмаси кенгашининг навбатдаги йиғилишида тасвирий-амалий тарғибот ишларини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* * *

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида макроиқтисодий сиёсат масалаларига бағишланган уч кунлик семинарда жаҳон банки мутахассислари, Польша, Чехия, Канада, Мексика, Колумбия, Буюк Британиядан келган олимлар, халқаро валюта жамғармаси вакиллари ҳамда республикамизнинг бир гуруҳ мутахассислари иштирок этмоқда. Унда ўтиш даври иқтисодиёти шароитида макроиқтисодий барқарорлик муаммолари, тузилмалар ва инвестиция сиёсати масалалари, бюджет сиёсати ва молия бозорини ривожлантириш, монетор сиёсат, тўлов баланси ва бошқа масалалар муҳокама этилмоқда.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ Ироқ атрофидаги таҳликали вазият Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг фаол иштирокида бартараф этилди. Шу муносабат билан кеча Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг Ироқ оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш устидан назорат ўрнатувчи махсус комиссиясининг мажлиси бошланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳарбий назоратчилари комиссияси яна Ироққа қайтариладиган бўлди. Бу комиссия аъзолари Ироқдаги стратегик объектларни назорат қилишади. Ташқи ишлар бўйича Ироқ парламенти қўмитасининг раҳбари Саад Қосим Ҳаммуди депутатлар Америка ҳарбий назоратчиларининг Ироқдаги стратегик объекатларга киритилишини маъқуллади. Келишувга биноан Саддам Ҳусайнга тегишли объекатларни назорат қилиш тўхтатилиб, Американинг У—2 разведка самолётлари Ироқ ҳудудида учмайдиган бўлди.

* * *

☑ Ҳиндистон Бош вазири Индер Кумар Гужрал АҚШ давлати котиби Мадлен Олбрайт билан учрашув давомида агар бошқа мамлакатлар ўз ядро қувватларидан воз кечмасалар Ҳиндистон ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага имзо чекмайди, деди. Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлигининг масъул вакилларидан бири журналистлар билан суҳбатда Мадлен Олбрайтнинг ташрифи Ҳиндистон — Америка муносабатларига ижобий таъсир кўрсатади, — деди. Чунончи, Америка сармояларини ушбу мамлакатга етказиб бериш фаоллашади.

* * *

☑ Борис Ельцин Анатолий Чубайсни молия вазири лавозимидан озод этишга қарор қилди. Бироқ Чубайс бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимини ўзида сақлаб қолади. Ҳозирча бу янгилик расмий равишда тасдиқлангани йўқ. Айрим таҳминларга кўра Михаил Задорнов молия вазири лавозимини эгаллайди.

* * *

☑ АҚШ Президенти Билл Клинтон ташқи ишлар вазирларининг Женевадаги учрашувида қабул қилинган қарорлар жуда муҳимдир, деди. Агар Ироқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдидаги мажбуриятларини бажарса ва халқаро назоратчиларнинг ишига халақит бермаса кўнгилдагидек иш бўларди.

Партия ахбороти

КОИНОТ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

21 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қошидаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Ш. А. Воҳидовнинг «Коинотни тадқиқ этишда Ўзбекистон олимлари ва мутахассисларининг иштироки» тўғрисидаги маърузаси тингланди.

Машғулотда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳамда уларга қарашли туман кенгашларининг масъул ходимлари, партия марказий нашрлари журналистлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

ҲУҚУҚШУНОСЛИК МАЛАКАСИНИНГ КАФОЛАТИ

Айни пайтда мамлакатимизда халқ таълимининг миллий мукаммал дастурини яратиш борасида тинимсиз изланишлар кетаётган бир давр. Диққатингизга ҳавола этилаётган қуйидаги мақолада кўтарилган масалалар шу жиҳатдан ҳам эътиборга лойиқдир. Асосийси эса, унда амалий таклиф мужассам. Уни ривожлантириш, муҳокама қилиш ва татбиқ этиш мутахассислар ҳукмига ҳавола.

Маълумки, табиий фан соҳасидаги мутахассис ўз фикрини ёзма баён қилаётганда тузилган гап қўшма гапми, эргаш сўзлар кўчма маънода ишлатилганми, ёпиқ бўғинли сўзми ёки очиқ бўғинли сўзми деган саволлар устида бош қотирмайди балки, ўз фикрини аниқ, тўлиқ ва тушунарли бўлиши тўғрисида ўйлайди. Бу сифатлар эса кўпроқ унинг тил соҳасидаги билим даражасига эмас, балки табиий ақл-заковатига боғлиқдир. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича тузилган тестдаги, асарнинг муаллифи ким, каби саволларнинг мутлақо кераги йўқ. Сабаби, асарнинг мазмуни бирламчи, муаллифи иккиламчидир. Муаллифни билгани ёки билмагани учун табиий факультетда ўқишга қобилиятли ёки қобилиятсизлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин эмас.

Тил ёшликдан ўрганилади, уни яхши билиш мутахассисликдан қатъи назар ҳамма учун зарурдир. Шунинг учун ўрта мактабни тугатиб етуклик гувоҳномаси олаётган ҳар бир ўқувчи тилни бекаму кўст билиши шарт. Шундай талабга жавоб бера олмайдиган ўқувчига аттестат бермаслик керак. Ҳозир ўзбек тили ва адабиётига ўрта мактабларда катта эътибор берилаётганини ҳисобга олсак, бундай талабни қўйиш ўринлидир. Мактабни битираётган ўқувчидан ўқишни охирги олти ойида туман ва вилоят комиссиялари иштирокида бир неча марта диктант, баён, иншо олиб унинг натижасига кўра давлат имтиҳонига қўйиш-қўймасликни ҳал қилиш мумкин.

Республикамизнинг баъзи педагогика институтларида кимё ва биология факультетлари алоҳида-алоҳида эмас, балки битта факультетнинг икки бўлимидан иборат эди. Тараққий топган давлатларнинг олий ўқув юртларида бу фанлар бўйича мутахассислар тайёрлаш алоҳида-алоҳида факультетларда олиб борилади. Бу иккала фаннинг асосини нималар ташкил этишини таққосласак, кимёнинг асосини физика, биологияникини эса кимё ташкил этишини кўрамиз.

Тест синовлари ўтказиладиган фанлар доимий, турғун бўлгандан сўнг кимёгар бўлишни орзу қилган ўқувчи табиийки охирги ўқув йилларида кимё ва биологияга диққатни жалб қилиб, физика ва математикани эътиборсиз қолдиради. Лекин кимё факультетига талаба бўлиб киргач, биринчи икки йил факультет ўқув режасига кўра физика ва математикага дуч келади. Ўрта мактабда охирги икки йил физика ва математикани яхши ўзлаштирмаган кимё факультетининг талабасига ўқиш жуда ҳам қийин бўлади ва охир-оқибат мутахассиснинг сифатини пасайтиришга олиб келади.

Бу фикрлар ҳисобга олинса, кимё факультетига кирувчилар учун биология ўрнига физикадан тест топшириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Яна бир долзарб муаммо малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашдир. Республикамиз Президенти И. Каримов ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари раҳбарлари ва ҳуқуқшунос олимлар билан бўлиб ўтган йиғилишда бу масалага батафсил тўхталган эди. Демократик давлат қонунларини яратиш, уни ҳимоя қилиш сиёсатчилар ва ҳуқуқшуносларнинг билим ва маданият даражасига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам уларнинг билим даражасини кўтариш ҳозирги вақтда давлат аҳамиятига молик масаладир. Ўқишга кириш учун ҳужжат топширган абитуриентлар сони бўйича бу мутахассислик мутлоқ биринчи ўринни эгаллайди. Албатта бунинг сабаблари кўп.

Шундай экан, биринчи навбатда бу мутахассислик бўйича олий ўқув юртларига қабулни тубдан ўзгартириш керак. Чунки, ҳозир талабалика қабул қилинаётган ёшларнинг фақат учта фандан нисбий билими аниқланади. Лекин уларнинг ҳуқуқшунос учун энг зарур бўлган мушоҳада қилиш қобилияти, хатти-ҳаракатидаги мустақиллик даражаси, ўзини ушлаши, ҳар қандай масалага қонун кўзи билан қарашга табиий мойиллиги муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик керак. Албатта, бу фазилатлар эндигина 17-18 ёшга қадам қўйган ёшларда ҳали «кўзга кўринарли» даражада шаклланмаган бўлади. Маълумот учун ўтган ўқув йилида Самарқанд давлат университетининг юридик факультетига 100 га яқин балоғат ёшига етмаган абитуриентлар талабаликка қабул қилинганлигини келтириш мумкин. Ҳуқуқшунос хизматидан юқори лавозимли давлат арбоблари, олимлар, зиёлилар, қисқаси барча фуқаролар фойдаланади. Демак, уларга маслаҳат бериш учун жуда юқори малака талаб қилинади, яъни маслаҳат берувчининг малакаси олувчиникидан юқори бўлиши керак. Кўпинча масала оддий бўлмаган ҳолларда маслаҳат олинади, чунки қонунларда ҳаётда учрайдиган ҳар бир хусусий ҳолат учун «рецепт» берилмайди. Ҳуқуқшунос уни таҳлил қилиш орқали қайси қонунларни татбиқ этишни аниқлайди. Бунинг учун у албатта мушоҳада қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Мулоҳаза

Шуларни ҳисобга олиб, юридик факультетларга абитуриентлар қабул қилишнинг қуйидаги механизмини таклиф қилмоқчимиз.

Юридик факультетларга бошқа олий ўқув юртларининг учинчи ва тўртинчи курсларида сабоқ олаётган билими ва инсоний фазилатлари билан танилган иқтидорли ёшлардан танлов орқали талабалар қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Агар талаба бошқа олий ўқув юртида яхши баҳоларга ўқиган бўлса, юридик факультетда ўқиш қийинчилик туғдирмайди. Баъзи ҳолларда эса унга индивидуал дастур бўйича имтиҳон топширишга рухсат беришга тўғри келар. Юрист қонунлар мажмуасини ёд олиши шарт эмас, балки қаерда, қайси қонунни ва қандай қилиб қўллашни билиши етарлидир. Мана шундай қилинганда юрист тайёрлаш учун танловда энг кам хатога йўл қўйилади ва кадрлар сифатига кафолат берилади.

Юридик институтга таклиф қилинаётганлар орасида ҳар хил факультетлар талабаларининг бўлиши келажакда тайёрланадиган мутахассисларнинг жамиятнинг ҳамма соҳасини қамраб оладиган билимлар мажмуасига эга бўлишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида тор соҳалар бўйича ҳам ўта малакали юристлар тайёрлашга имкон яратади.

Абдулла ҚУВВАТОВ,
Самарқанд давлат университети доценти.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ — Нашр индекси

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси — Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Ислоҳот ва масъулият

«ЎЗБЕККОИНОТ»: ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

❒ *Коинот алоқа тизими жаҳонда газ ва нефть маҳсулотларидан сўнг иккинчи фойдали бизнес манбаидир*

❒ *«Ўзбеккоинот»нинг келажак лойиҳалари*

Одатда биз коинот, юлдузлар ҳақида гапирар эканмиз фикримизни кўпроқ коинот жумбоқлари, юлдузлар сир-синоати тортади. Бу бир томонлама тўғри ҳам. Аммо бугунги давр ҳар бир фанни, ҳар бир йўналишни унинг мамлакат ривожига, тараққиётига қўшган ҳиссаси билан баҳоламоқда. Шу боис ҳам «Ўзбекистон» коинотни тадқиқ қилиш давлат агентлиги бош директори Камол Мўминов билан бўлган суҳбатимиз «Ўзбеккоинот»нинг мамлакат ривожига қўша оладиган ҳиссаси ҳақида бўлди.

— Аввало «Ўзбеккоинот»нинг ташкил топиши ва вазифаси ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— «Ўзбеккоинот» 1992 йилда Ўзбекистон Президентининг Фармони билан ташкил этилган. Бу борада республикамизда шундай ташкилот барпо этилиши учун кадрлар ва технологик имкониятлар мавжуд эди. Ва бундан оқилона фойдаланилди. Бизда бу соҳада етук мутахассислар бор.

Унинг вазифасига келсак, кўпчилик ўйлаганчалик фақат ракета учиришдангина иборат эмас. Халқ хўжалигида, саноатда, қишлоқ хўжалигида, табиат муҳофазасида коинотнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, оддий деҳқончиликни олайлик, ундаги сув таъминоти, тупроқ таркибини ўрганиш, турли экологик ҳолатларни ҳисобга олишда коинотнинг хизмати асқотади.

— Бирор амалий натижани мисол келтира оласизми?

— Масалан, бизда — «Коинот» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ер қазийдиган бурама ускуна яратилди. Унинг аҳамияти шундаки, ускуна ёрдамида 3 м. ёки 4,5 м. чуқурликдаги тупроқни алоҳида, бир-бирига қўшмасдан олиш мумкин. Яъни олимлар ҳар сантиметр чуқурликдаги тупроқ таркиби билан алоҳида иш олиб боришлари мумкин. Бу эса ўз навбатида мамлакат саноатида, қишлоқ хўжалигида янги имкониятларни вужудга келтиришга хизмат қилади. Яна шуни таъкидлаш керакки, бунақа ускуна дунёда биринчи бўлиб бизда, Ўзбекистонда яратилди.

— Бевосита коинотни ўрганиш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— АҚШ, Италия, Франция, Ҳиндистон ва Россия коинот марказлари билан иш олиб бораяпмиз. Бизда катта габаритли транспорт (ўзи очилиб йиғиладиган) антенналарни парвозга шайлаш ишлари амалга оширилади. Бундан ташқари коинот жисмларини ўрганиш борасида ҳам турли ускуналар яратилган ва уларнинг кўплари бугун «Мир» станцияси билан биргаликда фазода ўз функцияларини бажармоқда.

Ҳозирда эса «Ўзбеккоинот» жуда йирик халқаро коинот лойиҳаси — «Интербол»нинг иштирокчиси. Ана шу лойиҳага биноан бизнинг зиммамиздаги вазифа айрим космик ускуналарни сунъий йўлдошдан чиқариб, маълум тажрибаларни ўтказиш. Бу ускуналарни яратиш ҳам бизнинг зиммамизга юклатилган. Лойиҳанинг биринчи даври 1996 йилда Россияда ўтказилган эди. Айни пайтларда эса иккинчи сунъий йўлдошни учришга тайёргарлик кўрилмоқда. Унда 16 та мамлакат аъзолари, жумладан Европа мамлакатлари, Америка ва Ўзбекистон қатнашади.

— Камол Мусаевич, бугунги кунда ҳар бир ташкилот имкон қадар хориж мамлакатлари билан ҳамкорликни кенгайтирмоқда, тажриба алмашмоқда. «Ўзбеккоинот»да халқаро алоқалар қандай натижалар бермоқда?

— Яқинда Италияда БМТ томонидан уюштирилган «Коинотдан тинчлик йўлида фойдаланиш» халқаро семинарида иштирок этиб қайтдик. Унда кўрилган асосий масала мамлакат тараққиёти, ривожланишида коинот тадқиқи аҳамиятини кўтариш. Ундан иқтисодий тараққиёт учун унумли фойдаланишни йўлга қўйиш бўлди. Шунингдек, коинот тараққий этмаган мамлакатларда уни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди.

— Ўзбекистон бу жараёнда қандай ўринни эгаллайди?

— Албатта, бизда ҳали Америка ёки Италия мамлакатлари даражасидаги тараққиёт йўқ. Аммо республикамизда бу соҳани тараққий эттириш учун мустаҳкам замин мавжуд. Яъни бизда мутахассислар ҳам, илмий-кузатув марказларимиз, тажриба майдонларимиз ҳам етарли.

Камол Мусаевич Мўминов 1954 йилда туғилган. Самарқанд Давлат университетининг физика факультетини 1976 йилда тугатган. Шундан сўнг бир неча йиллар Москвадаги ядровий тадқиқотлар қўшма институтида ишлаб, малака оширган. Кейинчалик Москва коинотни тадқиқ этиш институтида фаолият кўрсатган. Физика-математика фанлари номзоди.

«Ўзбеккоинот» барпо этилишида фаол қатнашган ташкилотчилардан бири. Айни пайтда шу агентликнинг бош директори.

— Яна эътиборингизни Италияда ўтказилган семинарга қаратмоқчиман: яъни коинотни мамлакат иқтисодий тараққиётидаги аҳамияти кўпроқ нималарда кўринади ва қайси мамлакатда ундан намунали фойдаланилмоқда?

— Мен сизга бир далилни келтириб ўтсам: бу БМТнинг расмий маълумоти. Ҳозир жаҳонда коинот сунъий йўлдош алоқа тизимлари фойда келтирадиган бизнеснинг асосий тури бўлиб, у нефть ва газ маҳсулотларидан сўнг иккинчи ўринда туради. Шу далилнинг ўзиёқ унинг иқтисодий тараққиётдаги беқиёс ўрнини кўрсатиб турибди. Бу ерда асосий ўринни сунъий йўлдош алоқа хизмати, телекоммуникация, телерадиоалоқа тутади. Бирор мамлакат фазога ўз сунъий йўлдошини учирар экан уни истаган мамлакатига фойдаланишга бериб туриши ёки сотиши мумкин. Бу соҳада Америка ва Европа мамлакатлари етакчи ўрин тутади.

Космик алоқа тизими эса ҳозир ҳар қандай мамлакатга сув ва ҳаводек зарур. Чунки, мамлакат телевидениеси, радио алоқаларини тарқатишда, компьютер тизимларига киришда, радио алоқаларда ва кўпгина ўта зарур бўлган хизматларда албатта коинот алоқа тизимидан фойдаланади.

— Ҳозир мамлакатимиз қандай коинот алоқа тизимларидан фойдаланаяпти?

— Ўзбекистон айни пайтда учта коинот алоқа тизимидан — Россия, «Интельсат» ва «Турксат» алоқа тизимларидан фойдаланмоқда.

— Демак, бунинг учун анчагина маблағ сарф этилаётган бўлса керак. Айнан коинот алоқа тизимини ўзимизда бунёд этиш масаласи ҳақида нима дея оласиз? Агар коинот алоқа тизимини дунёдаги нефть ва газдан кейинги иккинчи фойда манбаи деб қарайдиган бўлсак, унинг бунёд этилиши ва тез орада ишга туширилиши республикамиз тараққиёти учун катта ютуқ бўлиши шубҳасиз. Бу ўринда «Ўзбеккоинот» олдида қандай муаммолар бор?

— Бизда ҳозир иккита лойиҳа тайёр. Булар: биринчиси, телекоммуникация алоқа тизими лойиҳаси, иккинчиси эса, халқ хўжалигида муҳим аҳамият касб этадиган ерни коинотдан туриб ўрганиш, яъни масофадан туриб ўрганиш лойиҳасидир. Агар бевосита сунъий йўлдош ҳақида тўхталадиган бўлсак, сир эмас бу лойиҳа катта маблағ талаб этади. Маблағ масаласи бугун агентликда анча барқарорлашган. Чет эл инвестициялари жалб этилган. Айланма даромадимиз мавжуд. Бироқ катта лойиҳа, катта маблағ талаб этиши табиий. Шунингдек унинг моддий базасини, техник жиҳозланишини мукаммал яратиш зарур. Малакали мутахассислар тайёрлаш учун БМТ билан Америка, Италия, Ҳиндистон каби мамлакатлар коинот марказлари билан ҳамкорликни амалга оширмоқчимиз. Айни пайтларда Ҳиндистонда уч нафар мутахассисимиз ўз малакаларини оширмоқда. Лекин шунда ҳам бугун, давлат миқёсида сунъий йўлдош алоқа тизимини ташкил этиш лозим топилса, биз уддалай оламиз.

Бунинг учун албатта чет эл инвестицияси зарур бўлади. Европа ва Американинг нуфузли банклари билан инвестицион лойиҳалар орқали мазкур тизимни ишга тушириш мумкин. Дейлик ўрта ҳисобда 200 миллион АҚШ доллари зарур бўлади. Албатта лойиҳа амалга ошган биринчи 3-4 йил мобайнида фойдани улар билан баҳам кўришга тўғри келади. Аммо шундан сўнг бу тизим мутлақо Ўзбекистонники бўлиб қолади.

— Дейлик, 200 миллион АҚШ доллари «Ўзбеккоинот»га ажратилди. Бу маблағ ўзини оқлаш учун қанча вақт зарур ва келадиган фойда қандай бўлади?

— Сунъий йўлдош ишга тушгандан кейин 3—4 йил ичида сарфланган маблағ ўзини оқлайди. Шундан сўнг, аминманки, бу лойиҳа мамлакатга уч баробар кўп фойда келтира бошлайди. Асосийси, бизда шундай потенциал бор. Биз бу борада ҳам тегишли муассасалар билан музокаралар олиб бораяпмиз.

— Суҳбатимиз сўнгтида «Ўзбеккоинот»нинг илмий режалари ҳақида бироз тўхталсангиз?

— Маълумки, коинот азалдан Шарқ халқларини, бевосита ўзбек халқини асир этиб келган. Шу боис ҳам бобокалонимиз, улуғ юлдузшунос олим Мирзо Улуғбек коинот тадқиқининг асосчиларидан бўлиб жаҳонга ном таратди. Бизнинг ниятимиз шу сир-синоатлар замирига кириб бориш. Мамлакат хўжалиги учун зарур лойиҳалар яратиш ва келажакда Ўзбекистонни жаҳоннинг коинот тадқиқи тараққий этган марказларидан бирига айлантириш.

«Ўзбекистон овози» мухбири Малик МАНСУР суҳбатлашди.

Партия фаоллари

ЭЛ ИШОНЧИ БОИСИ

«Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак». Бу сўз бугунги кунда Ўзбекистон ХДП Яккасарой туман кенгашининг котиби Аброр Ҳамроқуловнинг иш дастурига айланган, десак муболаға бўлмайди. Туман кенгаши аҳоли ўртасида турли тадбирлар ўтказмоқда. Айниқса, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги Фармонни жойларда бажаришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билмоқда.

Аброр ака Ҳамроқулов ўзини халқ ишига бағишлаган инсон. У тумандаги «Қушбеги» маҳалла қўмитасининг фаол аъзоси сифатида ҳам, кам таъминланган оилалар ва ногиронларни иқтисодий ва ижтимоий ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фахрийлар билан турли учрашувлар ўтказиш каби барча савобли ишларда ҳамиша бошқош.

Умри халқ орасида ўтаётган, ўзгаларнинг ташвишини ўз оромидан юқори қўйиб, тиним билмайдиган бу кишини тумандаги каттаю кичик танийди ва бирдай ҳурмат қилади. Аброр ака «Бу менинг хизмат вазифамга кирмайди» ёки «Менинг вақтим йўқ» демасдан, уларнинг дардини эътибор билан тинглайди, қўлидан келгунча ёрдам беради. Барчага доимо қўли кўксида, сиз кулсангиз сиз билан кулади, йиғласангиз қўшилиб йиғлайди.

Зеро, партиямизнинг шундай фаоллари бор экан, партиянинг сафи тобора кўпаяверади ва халқнинг ўз партиясига нисбатан ишончи янада ошаверади.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА.

Мустақиллик ўзгаришлари

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Давлат мулкини хусусийлаштириш — мамлакатимизда изчил давом эттирилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Давлат объектларини хусусийлаштириш борасида Самарқанд вилоят кўчмас мулк биржасида олиб борилаётган кенг кўламдаги ишларни тажриба сифатида ўрганса арзийди.

— Вилоят кўчмас мулк биржаси Республика Давлат мулк қўмитаси, республика кўчмас мулк биржаси томонидан қўйилган 9 ойлик режани барча соҳалар ва кўрсаткичлар бўйича ошириб уддалади, — дейди биржа директори Абдураҳмон Аҳмедов. — Жорий йилнинг ҳозирги даврига қадар вилоятда 35 марта ким ошди савдоси ўтказилди. Белгиланган режага кўра, 476 та давлат тасарруфидаги иншоотни 5937500 сўмга сотишимиз керак эди. Биз ўтказган ким ошди савдоларида эса 1059 та иншоот 135656800 сўмга сотилди. Биз топшириқни сон жиҳатдан 177 фоизга, пул тушуми бўйича эса 194 фоизга бажардик.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмасига қарашли иншоотларни хусусийлаштириш, уларни ишбилармонлар ихтиёрига бериш соҳа ривожланишига самарали таъсир этади. Етиштирилган маҳсулотнинг сифати жаҳон андозалари талабларига мос бўлишини таъминлайди. Ушбу тармоқда 132 та иншоот 13660100 сўмга сотилиб, режа белгилангандан кўра, бир неча баробар ошириб бажарилди.

Инсон манфаатлари йилида жойларда аҳоли турмуш даражасини оширишга эришиш давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз жойлардаги қўйи ва ўрта бўғин раҳбарлари олдига қўяётган энг муҳим вазифалардан биридир. Бу борада Самарқанд вилоят кўчмас мулк биржасида кимошди савдолари орқали аҳолига уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун 14897800 сўмлик ер майдони сотилди. Бу режадагидан 372 фоизга кўп демакдир.

Жойларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражасини ошириш учун соҳага тегишли иншоотларни тадбиркорлар ихтиёрига бериш бу борадаги муваффақиятларнинг гарови ҳисобланади. Самарқанд вилоят кўчмас мулк биржаси орқали шу йилнинг ўтган 9 ойида кимошди савдосида сотилган савдо — умумий ов-қатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларининг умумий ҳажми 30729200 сўмни ташкил этиб, бу режа 149 фоизга бажарилди.

Кимошди савдосида автоуловларни сотиш бўйича режа 151 фоизга, автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчаларини сотиш бўйича эса 732 фоизга бажарилди.

Вилоят кўчмас мулк биржасидаги бундай муваффақиятлар туфайли аҳоли ўртасида уй-жой ва бошқа объектларни биржа орқали сотиш ва сотиб олишга қизиқиш катта бўлмоқда. Биржа ишчи-ходимларининг асосий вазифаси шу қизиқишни кучайтиришга қаратилгандир. Аҳоли биржа орқали бўладиган савдонинг қулай ва афзаллигини тушуниб етмоқда.

Банкротга учраган корхоналарнинг фаолиятини белгиланган тартибда тўхтатиб қўйиш бозор иқтисодининг қонуниятидир. Кимошди савдосида 6 та банкротга учраган корхона белгиланганидек 1530000 сўмга эмас, 17372400 сўмга сотилди.

Маҳсулот мўл-кўллигини таъминлашда завод ва фабрикалар билан бир қаторда кичик корхоналарнинг ҳам ўз ўрни бор. Кичик корхоналарда етиштирилаётган маҳсулотларнинг сифати жаҳон андозаларига мос бўлишида уларни хусусийлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада вилоят кўчмас мулк биржаси 30330000 сўмлик объектни тадбиркорларга хусусийлаштириб берди. Режа 178 фоизга ошириб бажарилди.

Биз А. Аҳмедовдан тадбиркорлар кимошди савдосида қандай объектларни сотиб олишга кўпроқ қизиқиш кўрсатаётганларини сўрадик.

— Ишбилармонларнинг талабини ҳисобга олиб, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотларини қуриш учун ер майдонларини хусусийлаштириб беришга кўпроқ аҳамият бермоқдалар. Чунки бунда мулк эгаси ўзига ёққандек, барча қулайликларга эга бинолар қуриш имконига эга бўлади. Шу мақсадда биз йилнинг ўтган давридан буён 129 та ер майдонини 864200 сўмга сотдик. Вилоят корхоналарини техник ускуналар билан жиҳозлаш ишига ҳам биржамиз озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшмоқда. Йилнинг 9 ойи мобайнида 180000 сўмлик замонавий асбоб-ускуналар кимошди савдосида сотилган. Вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси билан ҳамкорликда нархи бир мунча баланд бўлган «Ўзгўштсутсаноат» концерни иншоотларини ўрганиб чиқиб, уларни навбатдаги кимошди савдосига қўйишга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Кимошди ва биржа савдоси орқали сотилаётган иншоотлар миқдорини ошириш ҳамда пул тушумини кўпайтириш реклама ишларини тўғри йўлга қўйишга ҳам боғлиқ. Ўтказилаётган кимошди савдолари вилоят рўзномалари ва телевидениесида кенг ёритилади.

— Йилнинг ҳар чораги якунида бажарилган ишлар бўйича «Ахборотнома» чоп этмоқдамиз, — дейди биржа бош ҳисобчиси Учқун Рўзиев. — Бу борадаги ишларимизни янада ривожлантириш учун мақсадли тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Хорижий сармоядорлар учун сотишга мўлжалланган катта иншоотларнинг рўйхати инглиз тилида тайёрланди ва республика кўчмас мулк биржасига юборилди.

Биржа мутахассисларининг айтишича, соҳада айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, давлат тасарруфида бўлмаган объектлар сотилганда ҳужжатларни нотариал идоралар орқали расмийлаштиришда харидорлар учун ортиқча қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Бу биржа орқали бўладиган савдо тизимини мукамаллаштиришни талаб этади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасини таъминлашда давлатимиз иқтисодий сиёсатининг негизларидан бўлган хусусийлаштиришнинг ривожи ислоҳотларни ҳаракатга келтирувчи омиллардан биридир. Ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашда Самарқанд вилоят кўчмас мулк биржасининг қўшаётган ҳиссаси ҳам беқиёсдир.

Ўткир ПЎЛАТОВ, журналист.

БОЛАЛАР ПОЙАБЗАЛЛАРИ КЎПАЙЯПТИ

Андижон пойабзал ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида буюртмага мувофиқ болаларбоп 20 минг жуфт пойабзал тайёрланди. Қ. Ҳожиев, Қ. Тошматов сингари усталар маҳсулотларнинг бежирим бўлишини таъминлашди. Ҳиссадорлик жамияти жамоаси пойабзалларнинг янги андозаларини яратишга алоҳида эътибор беришяпти. Мавсумбоп маҳсулотлар тури кўпайяпти.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Биз ҳам рақамларни билиб олдик. **Шавкат АКРОМОВ олган сурат.**

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

ИЛҒОРЛАРГА — «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Республикамизнинг барча жойларида марказий ва маҳаллий матбуот нашрларига 1998 йил учун обуна қизғин давом этмоқда.

Жумладан, Жиззах вилоятининг Зафаробод туманидаги Файзулла Ҳўжаев номли ижара ширкатлар бирлашмасида ҳам бу энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бирлашма раҳбарияти шуни ҳисобга олиб хўжаликдаги энг илғор ишчилардан 25 нафарини мукофот сифатида «Ўзбекистон овози» рўзномасига бирлашма ҳисобидан обуна қилди.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

САОДАТ

Оилани мустаҳкамлашда маҳалланинг ўз ўрни бор. Обрўли кексалар иштирокида оиладаги аҳвол атрофлича кўриб чиқилса, келишмовчиликларни бартараф қилиш йўллари белгиланса, албатта яхши натижага эришиш мумкин. Афсуски, туман суди томонидан маҳалла қўмиталарига юборилган ажримлар кўпинча тор доирада, келин-қуёвлар ёки уларнинг ота-оналари иштирокидагина кўриб чиқилмоқда. Бундай йўл кутилган самарани бермаяпти.

Фуқаро Карима Бобожонова судга берган даъво аризасида шундай деб ёзади: «Турмуш ўртоғим билан дастлаб яхши яшадик. Кейинчалик эрим кўп спиртли ичимлик ичиб мен билан жанжаллашадиган, уйдан тез-тез чиқиб кетадиган одат чиқарди. Бир кетганда 7 ойдан кейин қайтиб келди. Ана шу вақтларда оиладан хабар олмади. Моддий кўмак кўрсатмади, ҳеч бўлмаса фарзандларимизнинг тақдирини ўйламади»....

Каримахон оила аҳволини атрофлича баён этишга уринади. Унинг ёзганларига эътибор билан қаралганда Ғаффоржоннинг оилага енгил-елпи муносабати аён бўлади. Маҳалла-кўй, айниқса ота-она ўз фарзандининг оиласи мустаҳкам бўлишига лоқайдлик билан қарагани ачинарли. Етти ой отасиникида яшаса-ю, ота-она: «Ўғлим нима бўлди, оиланг, болаларинг қандай?» дея сўрамаса.

Эрининг оилага беписанд қараганидан Каримахон фарзандларни боқаман деб қийналди. Эрига бўлган ҳурмати йўқолди.

Ғаффоржон Бобожонов ўз айбини қисман тан олиб, турмуш ўртоғи бўлган аёлга ўзига хос таъриф айтди. «Мени ҳурмат қилмайди, уй ишларини вақтида бажармайди». Шундай бўлсада у турмушни мустаҳкамланиб, тўғри йўлга тушиб кетишига ишонади.

Эр-хотиннинг оилавий муносабатлари жиҳатидан қайси бирлари ҳақ ёки ноҳақ эканликларини айтиш қийин.

1

Уларнинг ҳар бири оилани бузилиши, айниқса фарзандларининг тирик етим бўлиб қолиши зарарли эканини чуқур мулоҳаза қилсалар яхши буларди. Оиланинг бузилишидан нафақат эр-хотин, болалар ҳам азият тортади. Улар шу ҳаётий ҳақиқатни тушунсалар оилавий турмушларидаги туман тарқарди.

Кўп йиллик суд соҳасидаги тажрибаларимдан келиб чиқиб айтмоқчиманки, жиноят йўлига кирган ёшларнинг асосий қисмини ёшликда ота-оналари ажрашиб, етарли тарбия кўрмай ўсганлар ташкил этади. Фарзанд учун ота-она меҳри, тарбияси сув билан ҳаводек керак. Биз ажрашмоқчи бўлган ота-оналарга уларнинг қизиққонлик билан тутган ишлари келгусида аччиқ мева беришини аниқ мисоллар билан айтиб ўтамиз. Уларни тегишли хулоса чиқаришга, оила тақдири устида чуқур мулоҳаза қилишга ундаймиз.

Зокиржон Шомирзаев рафиқаси Донохон Шомирзаева ўртасидаги никоҳни бекор қилиш ҳақидаги аризасида турмуш ўртоғининг тили ёмон, ота-онасини ҳурмат қилмаслигини билдиради. Донохон билан суҳбатлашганда у ота-онаси ўзининг розилигисиз турмушга чиқарганлигини рўкач қилади. Тарафларнинг фикрларини эшитиб, оиланинг тикланиб кетиши учун 6 ой муҳлат берилган эди. Бу муддат ўтмасдан Донохон қонунсиз бошқа кишига турмушга чиқиб кетганини қандай тушуниш мумкин?

Ҳар бир йигит-қиз, аёл-эркак қонуний никоҳдан ўтгандан сўнггина оила ҳисобланади. Ислом тартиб қоидаларига кўра ҳам албатта илмли киши қиз ва йигитни никоҳлайди. Бусиз оила таркиб топмайди.

Тўйлар фуқаролар йиғинлари, маҳалла қўмиталари билан бамаслаҳат ўтка-

2

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Кеча Канаданинг Ванкувер шаҳрида «Осиё — Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги» анжуманининг навбатдаги мажлиси очилди.

* * *

Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Евгений Примаков Лотин Америкаси мамлакатлари бўйлаб сафар қилмоқда. У айни пайтда Бразилияга етиб келди. Ушбу сафардан мақсад Лотин Америкаси мамлакатлари билан ҳар томонлама муносабатларни яхшилаш, айниқса иқтисодий соҳада ҳамкорликни ривожлантиришдан иборатдир.

* * *

Куба Президенти Фидель Кастро франциялик бастакор Жан Мишель Жаррни Куба инқилобининг 40 йиллиги байрамини ташкил этишга таклиф этди. Келгуси йилнинг февраль ойида Жарр Кастро билан учрашади. Учрашув давомида 1998 йилнинг 31 декабрига мўлжалланган Гаванадаги улкан концертга тайёргарлик масалалари муҳокама қилинади.

Жэк ДОНЕЛЛИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ НИМА ДЕГАНИ?

Американинг етакчилик ролига рақобат ҳам мавжуд. Мамлакат ичкарисида изоляционизм анъанаси чуқур ўрнашиб олган. Бугун кўп америкаликлар хорижда инсон ҳуқуқларини қўллаш учун пул сарфлаш ёки америкаликларнинг ҳаётини хавф остига қўйишга мойил эмас. Хорижда эса, америкаликларнинг ўзини-ўзи адолатли деб ҳисоблаши ва бир томонлама хатти-ҳаракатларни афзал кўриши кўпинчалик ҳатто Америка сиёсатини ташкил этувчи қадрқимматларга шерик бўлганлар орасида ҳам ғазаб қўзғатади.

Шунга қарамай, Америка Қўшма Штатлари икки аср илгари бўлгани каби бугун ҳам инсон ҳуқуқлари учун дунё миқёсида давом этаётган курашда етакчидир. Ҳа, барча одамлар инсон зотига мансуб бўлгани учунгина асосий ҳимоя турлари, мол-маҳсулотлари ва хизмат кўрсатишга эришуви ҳамда халқаро миқёсда тан олинган инсон ҳуқуқларининг имкониятларига молик эканлиги ҳақидаги инқилобий ғояни рўёбга ошириш учун дунё миқёсида кураш давом этмоқда.

НОҲУҚУМАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДАВЛАТЛАР: УЛАРНИНГ ҚАРАМАҚАРШИ РОЛЛАРИ

Юқорида қайд этилганидек, инсон ҳуқуқлари борасидаги ноҳукумат ташкилотларнинг ўз давлатлари ҳудудидан ташқаридаги халқаро фаолияти ва давлатларнинг икки томонлама сиёсати, кўпинчалик, биз кўриб чиққан расмий кўптомонлама қурилмалар фаолияти каби инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро саъй-ҳаракатлар учун муҳимдир. Халқаро Амнистия ташкилоти авж олдирган халқаро фаолиятга қўшимча равишда Америка Қўзатуви, Америка Фуқаро Эркинликлари Уюшмаси каби АҚШнинг НҲТлари ва қатор ўзга муассасалари 1980 йиллар ўзра Марказий Америка сиёсати борасидаги курашларда муҳим ўрин тутди. Айнан шу 1980 йилларда ҳам Шимолий Америка, ҳам Европада НҲТлар Жанубий Африка Республикасига қарши чора қўллаш юзасидан ўтказилган миллий мунозараларда асосий роль ўйнайди.

Ўзининг ҳуқуқий мақомига кўра НҲТ давлатларининг сиёсий назоратдан ҳоли равишда иш юритиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари борасидаги мақсадларига кенг ташқи сиёсий масалалар зид келмаслиги туфайли улар кўпинчалик инсон ҳуқуқлари масалаларини кўтаришга қодир.

